*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 180 (8170). ● 22 сентябрь, 1983 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

# ТЕРИМ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

*«Зангори кема»лар тўла қувват билан ишласин. Район марказлари, колхоз ва совхозлардаги ишга яроқли кишиларнинг ҳаммаси теримда қатнашсин. Даладагиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратиб берайлик.*

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Илгари хабар қилганимиздек, 20 сентябрда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмалари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори асосида пахта ҳосили ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини йиғиб-териб олиш суръатларини кучайтириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида катта меҳнат зафарлари қўлга киритилмоқда, деди докладчи. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов нутқларида баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилган Ўзбекистон пойтахт областининг меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори мамлакат экономикасини мустаҳкамлашга фидокорона меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Партиянинг тинчликни мустаҳкамлаш, Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтириш, халқ фаровонлигини ошириш ҳақидаги ғамхўрлигига жавобан халқ хўжалигининг барча тармоқларида беш йиллик учинчи йилининг планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёзмоқда. Область саноати маҳсулот реализация қилиш саккиз ойлик планини муддатидан илгари бажарди. Капитал қурилиш самарадорлиги ва сифати ошди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз ютуқлари билан қувонтирмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини, Озиқ-овқат программаси олдимизга қўйган вазифаларни амалга ошира бориб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни тўхтовсиз ошириб бормоқдалар. Бизнинг ажойиб пахтакорларимиз қизғин меҳнатни давом эттирмоқдалар. Улар жуда оғир ва ноқулай об-ҳаво шароитларида уюшқоқлик, қатъият ва маҳорат, тажриба ва меҳнатсеварликларини намойиш этиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Улар юксак социалистик мажбуриятларини бажаришга қатъий аҳд қилганлар. Ҳозир қисқа муддатларда, нобудгарчиликка йўл қўймай, ҳар бир ғанимат кун ва соатдан фойдаланиб, бутун етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш — энг муҳим, энг масъулиятли вазифадир.

1983 йилнинг улкан хирмони учун курашда биз КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг катта ёрдами ва оталарча ғамхўрлигини ҳис этиб турибмиз.

Область партия комитети КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пахта териш ва давлатга сотиш суръатларини тезлаштириш юзасидан кўрсатмаларини амалга ошириш бўйича ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқди. Уларни биз бугун тасдиқлаб олишимиз керак. Ана шу тадбирларда ҳамма ишлар аниқ-равшан ва муфассал кўрсатиб берилган.

Партия, совет, касаба союз, комсомол органлари, область, районларнинг агросаноат бирлашмалари, хўжалик раҳбарлари бу тадбирларни тезда бажаришга киришишлари, мавжуд камчиликларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўришлари, колхозлар ва совхозлар коллективларини сафарбар қилиш билан боғланган ички резерв ва имкониятларни аниқлаб, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш ва давлатга пахта сотиш планларини муддатидан илгари бажаришлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг пахтакорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътиборидан руҳланган, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг катта ёрдамига таянган областимиз партия, совет, хўжалик органлари, барча меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилида Ватанни янги ютуқлар билан қувонтиришга қатъий азму қарор қилганлар.

Область пахтакорлари индустриал технологияни изчиллик билан жорий этиб, эртаги мўл ҳосил етиштириш йўлида ҳамма чораларни кўрдилар. Энди иш натижаларини йиғим-терим ишларининг суръати ҳал қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бизни пахта йиғим-терими ишларининг ҳаммасини 20—25 иш кунида якунлашга даъват этмоқда.

Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор, деб таъкидлади докладчи. 2855 та пахта терадиган машиналар, 908 та кўрак чувийдиган, 612 та кўрак терадиган машиналар икки сменада ишлаш учун тайёрлаб, механик-ҳайдовчилар билан комплектланиб қўйилди. Кўпгина хўжаликларда ғўза дефолиацияси энг яхши агротехника муддатларида сифатли қилиб ўтказилди, пахта майдонлари ёппасига машина терими учун тайёрлаб қўйилди. 282 та терим-транспорт отряди ташкил қилинди, улар составида 14 минг механик-ҳайдовчилар, тракторчилар, слесарлар, шу жумладан 5660 нафар коммунист ва комсомоллар ишламоқда.

12 та пахта заводларининг ва 46 та пахта қабул қилиш пунктларининг ҳаммаси ремонтдан чиқариб, жиҳозланиб, 1983 йил ҳосилини қабул қилишга тайёрланди. Уларнинг ҳаммаси ҳозир иш бошлаб юборди.

Биз барча районлар, ҳамма бошланғич партия ташкилотларининг яхши, намунали ишлашларини кутамиз. Бугунги кунда Янгийўл районн меҳнаткашлари, Бўка районидаги Фрунзе номли,

**(Давоми 2-бетда).**



● **Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида пахта-йиғим терими уюшқоқлик билан бормоқда. Айни кунларда мазкур хўжаликда қўл теримига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. «Коммунизм» колхози аъзоси Мухтабар Раҳимова кунига хирмонга 120—130 килограммдан «оқ олтин» тўкаяпти.**

Суратда: М. Раҳимова.

В. Портнов фотоси.

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

### ЮКСАК СУРЪАТЛАРДА

● **БЎКА. Фрунзе номли колхоз меҳнаткашлари пахта йиғим-теримида юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатишяпти. Куни кеча хўжаликда йиллик планнинг 5,69 проценти миқдорида пахта тайёрланди. Бунда Эргаш Салимов ва Абдураҳим Дадаев сингари илғор механик-ҳайдовчиларнинг хизматлари катта бўлди. Улар шу куни 17 тоннадан пахта теришга эришишди.**

**Хўжаликда бригадалараро ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақада Неъмат Убайдуллаев бошлиқ бригада коллективи пешқадамлик қилаяпти. Ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олиш учун астойдил курашаётган мазкур бригада аъзолари кунига йиллик планнинг 8 проценти миқдорида пахта тайёрлашаяпти. Шу кунгача далалардан йиғиштириб олинган ҳосил йиллик планга нисбатан 64 процентдан ошди.**

**Бригада заршунослари йиллик халқ хўжалик планини 25 сентябргача бажаришга сўз беришган.**

### САОДАТХОН ПЕШҚАДАМ

«Кўкорол» совхозининг чевар теримчиси Саодат Маматқулова пахта йиғим-теримида пешқадамлар сафида боряпти. Кунига 220—250 килограммдан «оқ олтин» йиғиштириб олаётган С. Маматқулованинг ҳозиргача уйган хирмони 2 тоннадан ошди.

### ОТАХОНЛАР, ОНАХОНЛАР, ҲОРМАНГИЗ!

● **ПИСКЕНТ. Куни кеча Калинин номли колхоз территориясида истиқомат қилувчи бир группа Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари ҳамда пенсионерлар йиғилишиб, маслаҳатлашиб олишди. Улар бу йил ҳам пахта йиғим-теримида хўжалик деҳқонларининг юмушини баҳоли-қудрат енгиллатишга ўз ҳиссаларини қўшишга қарор қилишди. Умар ота Ўролов бошчилигида ташкил этилган 50 кишилик пенсионерлар бригадаси шу куниёқ ишга киришиб кетди. Мавсумда 30 тонна пахта теришга қатъий қарор қилган ветеранлар бригадаси аъзоларининг ҳар бири дастлабки куниёқ хирмонга 35—40 килограммдан «оқ олтин» тўкишди.**

**Тожиниса ая Боева, Фазилат ая Ёқубова ва Алимат ота Юсуповлар бу йил 1,5—2 тоннадан хирмон уйишга сўз беришди.**

### 50 ЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

● **ЯНГИЙЎЛ.** «Партия XXI съезди» колхозининг Саидаҳмад Охунов ҳамда Х. Турсунқулов номли колхознинг Тошканбой Темиров бошлиқ бригадалари аъзолари бу йил 50 центнерлик марра учун курашни авж олдириб юборишган. Айни кунларда иккала бригадада ҳам пахта йиғим-терими намунали йўлга қўйилган бўлиб, кунига йиллик планнинг 3,5 проценти миқдорида пахта тайёрланяпти. Бундай унумдорликка эришишда мавсумда 10 тоннадан «оқ олтин» ҳосилини йиғиштириб олишга сўз берган С. Охунов бошлиқ бригаданинг Турсуной Холбоева, Насиба Султонова, Ханифа Умурзоқова, Т. Темиров бошлиқ бригаданинг эса Мукаррам Йўлдошева каби чевар теримчиларининг ҳиссаси катта бўлаётир. Улар кунига 160—170 килограммдан дурдона теришаяпти.

## „ОҚ ОЛТИН" ВАТАНГА

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Янгийўл | 1,40 | 9,19 | 0,33 | 0,76 |
| Бекобод | 1,50 | 9,02 | 0,28 | 0,28 |
| Бўка | 1,55 | 8,31 | 0,94 | 1,50 |
| Оққўрғон | 1,24 | 7,94 | 0,74 | 1,91 |
| Коммунистик | 1,20 | 7,89 | 0,56 | 1,17 |
| Пискент | 0,81 | 7,71 | — | — |
| Чиноз | 1,07 | 7,14 | 0,16 | 0,30 |
| Ўрта Чирчиқ | 1,01 | 6,34 | — | — |
| Ғалаба | 1,05 | 4,74 | 0,37 | 2,46 |
| Область бўйича: | 1,23 | 7,56 | 0,41 | 1,03 |

# ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети мева-сабзавот экинлари ва картошка ҳосилдорлигини ошириш, шу турдаги маҳсулотларни етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан районлар, совхозлар, колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил 15 сентябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Калинин районига** (район партия комитетининг секретари Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Абулқосимов, район комсомол комитетининг секретари Абдураҳмонов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Дўсканаев, РАПО Советининг раиси Ҳайдаров, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Халилов ўртоқлар). Бу районда давлатга ҳамма турдаги сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик плани 96,3 процент, картошка плани 180 процент, ҳўл мева плани 166 процент, узум плани 96 процент, қовун-тарвуз плани 100 процент бажарилди. Сентябрь ойининг биринчи ярмида сабзавот тайёрлашда йиллик планга нисбатан 13,6 процент, узум тайёрлашда 91 процент, қовун-тарвуз тайёрлашда 100 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Ўрта Чирчиқ районидан олиб берилади.

**Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозига** (директори Каримов, партия комитетининг секретари Хўжамов, ишчилар комитетининг раиси Эсонбоев, комсомол комитетининг секретари Пиримқулов ўртоқлар). Бу совхозда давлатга ҳамма турда сабзавот маҳсулотлари топшириш йиллик плани 157 процент, картошка плани 7,1 баравар, ҳўл мева плани 119 процент, узум плани 114 процент, қовун-тарвуз плани 128 процент бажарилди. Сентябрь ойининг биринчи ярмида сабзавот тайёрлашда 154 процент, картошка тайёрлашда 144 процент, ҳўл мева тайёрлашда 34 процент, узум тайёрлашда 114 процент, қовун-тарвуз тайёрлашда 21,3 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Тошкент районидаги Абдураҳмонов номли совхоздан олиб берилади.

**Калинин районидаги «Москва» колхозига** (раиси Саидов, партия комитетининг секретари Ҳикматов, касаба союз комитетининг раиси Қаюмов, комсомол комитетининг секретари Абдуллаев ўртоқлар). Бу колхозда давлатга ҳамма турда сабзавот сотиш йиллик плани 180,2 процент, ҳўл мева плани 232,7 процент, узум плани 260 процент бажарилди. Сентябрь ойининг биринчи ярмида сабзавот тайёрлашда йиллик планга нисбатан 19,1 процент, узум тайёрлашда 239 процент ўсишга эришилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Калинин районига, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозига, Калинин районидаги «Москва» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.





● **Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг моҳир механик-ҳайдовчиси Мамат Исроилов ўтган йили «зангори кема» бункеридан 200 тонна «оқ олтин» тўккан эди. Бу йил у 220 тонна пахта теришга сўз берган.**

Суратларда: (ўнгдан) механик-ҳайдовчи М. Исроилов; хўжалик далаларида терим пайти.

С. Баранников фотолари.

# МУКОФОТ МУБОРАК, ҚАДРЛИ ЧОРВАДОРЛАР!

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1982—1983 йил қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан районлар ва хўжаликлар ўртасидаги область социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқиб шуни таъкидлайдиларки, область чорвадорлари ва барча қишлоқ меҳнаткашлари, кўпгина районлар ва хўжаликлар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиб, СССР Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказдилар, чорва моллари бош сонини кўпайтиришга, маҳсулдорлигини оширишга, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришга эришдилар.

1982—1983 йил қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари деб топилган Бўка райони, Коммунистик районидаги «Политотдел», Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозлар, Чиноз районидаги «Чиноз» совхоз-техникуми, Оржоникидзе районидаги Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» экспериментал базаси, Паркент районидаги Калинин номли боғдорчилик-узумчилик совхози КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Бекобод райони, Ғалаба районидаги «Победа», Оққўрғон районидаги Вотинцев номли, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Бўстонлиқ районидаги «Ленинград», Пискент районидаги Калинин номли колхозлар, Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз, Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш Бош бошқармасининг чўчқачилик саноат комплекси эса республика социалистик мусобақаси ғолиблари деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Бу ютуқларга партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, совет, қишлоқ хўжалик органларининг катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлари, колхозчилар, совхоз ишчилари, халқ хўжалиги бошқа тармоқларидаги оталиқ корхоналари коллективларининг чорвачиликни ривожлантириш резервларини қидириб топиш ва улардан тўла фойдаланиш ,чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида қилган фидокорона меҳнатлари туфайли эришилди.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети чорвадорлар ва агросаноат комплекси бошқа тармоқлари ходимларининг СССР Озиқ-овқат программасини муваффақиятли ҳал этиш ҳамда човрачиликни жадал ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишига қаратилган фидокорона меҳнатларини, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, қишлоқ хўжалик органларининг шу соҳадаги актив ишларини юқори баҳолайдилар. ва қуйидагиларни 1982—1983 йил қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан область социалистик мусобақасининг ғолиби деб топадилар ҳамда уларни область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлайдилар:

**Оҳангарон райони;**
**Бўстонлиқ райони;**
**Пискент райони;**
**Калинин районидаги «Москва» колхози;**
**Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози;**
**Тошкент районидаги Навоий номли колхоз;**
**Бекобод районидаги Ленин номли колхоз;**
**Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози;**
**Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози;**
**Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхози;**
**Пискент районидаги «Пискент» совхози;**
**Оржоникидзе районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози;**
**Калинин районидаги «Қорасув» совхози;**
**Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» совхози;**
**Ғалаба районидаги Ўрта Чирчиқ бўрдоқичилик пункти;**
**Калинин районидаги «Қорасув» давлат наслчилик-паррандачилик заводи.**

Область касаба союзлари Советига область социалистик мусобақаси ғолибларини мукофотлаш учун Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилиш учун 16 та бепул туристик йўлланма ажратиш таклиф этилди.

Область план бўлимига область мусобақаси ғолибларига сотиш учун районлар ва хўжаликларга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети область социалистик мусобақасида ғолиб чиққан чорвадорларни, барча қишлоқ меҳнаткашларини, шунингдек, мусобақада иштирок этганларнинг ҳаммасини қизғин табриклайдилар ҳамда область қишлоқ меҳнаткашлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш, 1983 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада авж олдирадилар, бу билан СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИГА

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳрига асос солинганлигининг 2000 йиллиги ва шаҳар Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан ўз табрикларини йўллаган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва айрим ўртоқларга қизғин ташаккур ва самимий миннатдорчилик изҳор қиладилар.**

# МАЖБУРИЯТНИ ҲАМ БАЖАРДИК

**КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь ҳамда 1983 йил июнь Пленумлари қарорларидан руҳланган совхозимиз меҳнаткашлари СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун социалистик мусобақани қизғин авж олдириб, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи марказий йилини катта меҳнат ғалабалари билан якунламоқдалар. Аввало ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экин майдонларини капитал текислаш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Ернинг унумдорлигини ошириш мақсадида тупроққа ҳар қачонгидан ҳам кўп органик ўғит солинмоқда.**

**Ана шу тадбирлар изчил амалга оширилаётганлиги туфайли бу йилги сув танқис бўлган ғоят оғир шароитда аввалги йиллардагидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Хўжалигимиз меҳнаткашлари давлатга сабзавот ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан 1983 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари 19 сентябрда адо этдилар. Шу кунгача давлатга 8515 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бу ўтган йилдагидан 2506 тонна кўпдир. Шунингдек, давлатга пландаги 1180 тонна ўрнига 1838 тонна картошка, 16 тонна ўрнига 29 тонна гўшт сотилди.**

**План ва социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари ортиғи билан бажарилишида Х. Хошимов, К. Мамутов, Дюк Ха Хам, Т. Олимжонов, Б. Набиев, Ш. Эгамбердиев, М. Мустоев каби тажрибали деҳқонлар раҳбарлик қилаётган бригада коллективларининг қўшган ҳиссалари, айниқса, салмоқли бўлди.**

**– Сабзавот пайкалларида ҳали ҳосил мўл. Давлатга маҳсулот топшириш қизғин давом этяпти. Совхозимиз меҳнат аҳли мавжуд имкониятларни қайта кўриб чиқиб, давлатга икки йиллик план миқдорида картошка сотиш, топшириладиган жами сабзавот маҳсулотини 9500 тоннага етказиш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилди.**

**Хўжалигимиз ишчи-хизматчилари қўлга киритилган бу ютуқларини янада мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқдалар. 1984 йил ҳосили учун ҳозирданоқ пухта замин яратилмоқда.**

**Биз 1984 йилда сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш ва беш йиллик топшириқларини тўла-тўкис бажариш учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни тўла ишга соламиз.**

**А. ВАЛИЕВ,**
Калинин районидаги «Москва» совхози директори.
**Р. ТЎЛАНОВ,**
совхоз партия ташкилотининг секретари.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети раисининг ўринбосари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент область Чиноз районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Турсуной **Охунова**нинг 1983 йил 21 сентябрда узоқ давом этган касалликдан сўнг 47 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** | **ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** | **ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.**

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Боши 1-бетда).

«Коммунизм» колхозлари коллективлари, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз ва Колпакова номидаги совхоз коллективлари социалистик мусобақада олдинда бормоқдалар. Бу хўжаликларда кунига топширилаётган пахта йиллик планнинг тўрт процентдан ортиғини ташкил этмоқда.

Шу билан бирга мавжуд моддий-техника ва меҳнат ресурсларини терим суръатларини кучайтиришга сафарбар этиш юзасидан ташкилотчилик фаолияти КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларга ҳали жавоб бермайди.

Бугунгача область давлатга 26 минг тонна пахта топширди. Бу йиллик планнинг 6,33 процентини ташкил қилади. Кундалик ўсиш 1,15 процентга етди. Бу кўрсаткичлар ўтган йил шу вақтдаги даражадан анча пастдир.

Албатта, бунга кейинги кунларда ҳавонинг кескин совиб кетиши ўз таъсирини кўрсатди, пахта терадиган машиналарни ишга туширишни бир мунча тўхтатиб қўйди. Бироқ, кўпгина район ва хўжалик раҳбарлари ўз уюшқоқсизликлари, ўзларининг ҳамма камчиликларини ана шунга йўймоқчи бўладилар.

Биз, деб таъкидлади М. М. Мусахонов, ҳар бир бригада, ҳар бир картада пахтанинг очилиш даражаси тўғрисида ҳар кунги аниқ маълумотларга эга бўлиш ва ана шунга қараб пахта терадиган машиналардан танлаб теришда фойдаланишга келишиб олган эдик. Бироқ, раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам бу муҳим талабни бажаряптилар, деб бўлмайди. Оқибатда қимматли вақт қўлдан берилмоқда, пахта терадиган машиналар иш унуми сусткашлик билан ортмоқда.

Пахта теримига колхозлар, совхозлар ва район марказларидаги одамларни жалб этиш юзасидан ишлар қониқарли эмас. Айниқса, Ғалаба ва Ўрта Чирчиқ районлари хўжаликларида аҳолини теримга сафарбар этиш топшириғини бажаришда катта қолоқликка йўл қўйилмоқда. Чиноз ва Пискент районларидаги аҳвол ҳам яхши эмас. Партия комитетлари, совет, хўжалик органлари, область ва район агросаноат бирлашмалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бутун куч-ғайратларини йўл қўйилган қолоқликни тугатишга, давлатга пахта сотиш планини тезроқ, ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратишлари керак. Ҳар бир бригаданинг планни 9—10 иш кунида, хўжаликларда эса 15—16 кунда, районларда 18—20 кунда, бутун область бўйича эса октябрнинг биринчи ўн кунлигида, ёғингарчиликлар бошлангунгача бажаришлари учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, зарбдорчасига ишлаш керак.

Бутун ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни ана шу мақсадга йўналтириб, ҳамма жойда тўла қатъият билан ишлаш, моддий-техника ва одам ресурсларидан самарали фойдаланиш маҳоратини кўрсатиш, теримда кундалик юксак суръатларни таъминлаш учун ҳамма резервларни ишга солиш зарурдир.

Бутун етиштирилган ҳосилни машинада теришга алоҳида эътибор бериш лозим. Пахта терадиган техника узлуксиз, эртадан кечгача ишлашини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўриш керак. Машиналарни группа методида ишлашини ташкил қилиш, уларга марказлаштирилган техника хизматини кўрсатиш, қишлоққа кўчма авторемонт устахоналари ажратишда оталиқ ёрдамини кучайтириш, илғор механизаторларнинг ҳар бир терим агрегатидан оқилона фойдаланиш тажрибасини кенг ёйиш лозим. Механизаторлар, инженер-техник ходимлар, район агросаноат бирлашмалари раҳбарларининг пахта терим техникаси, транспорт воситалари ва механизмларнинг юқори унум билан сифатли ишлаши учун шахсий масъулиятини ошириш зарур.

Район партия комитетлари, совет органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари ишга яроқли колхозчилар ва совхоз ишчиларини пахта теримига ёппасига жалб қилинишини таъминлашлари керак.

Меҳнат интизомини бузувчиларга қарши кескин курашиш лозим. Белгиланган кундалик иш нормасини бажармайдиган, ялқовлик қиладиган, кундуз кунлардан тўлиқ фойдаланмайдиган кишиларга қарши кескин кураш олиб бориш керак. Қисқаси, ҳозирги кунда биз пахта терими мавсумининг қатъий қонунлари билан яшашимиз ва ишлашимиз, беш йилликнинг учинчи йили пахтаси учун умумхалқ курашчилари орасидаги ўз ўрнимизни ва масъулиятимизни белгилаб олишимиз керак.

Партия, совет, хўжалик органлари, область ва район агросаноат бирлашмалари, механик-ҳайдовчилар, теримчилар, хўжалик раҳбарлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари директорларининг муҳим вазифаларидан бири етиштирилган ҳосилнинг сақланишини таъминлашдан иборат. Майдонларни комбайнлар ўтгандан кейин дарҳол тозалашга ҳамма жойда уюшқоқлик билан киришиш керак. Машиналар териб кетгач, тўкилиб қолган ҳосилни йиғиштириб олишни кутиб ўтирмаслик керак. Юқори сифатли пахта териш ва тайёрлашга, янги ГОСТ талабларига тўла мувофиқ келадиган «оқ олтин»ни топширишга доимий эътибор қилиш лозим.

Тайёрланаётган пахта сифати учун хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, пахта сифатини ҳар бир бригада бўйича тўғри баҳоланишини қатъий назорат қилиш керак. Нам ва ифлоси кўп ҳосилни топширишга йўл қўймаслик учун ҳамма тадбирлар кўрилиши, пахтани аввал қуритиб, тозалаб топширишга эришиш керак. Бунинг учун мавжуд қуритиш-тозалаш цехларининг кечаю-кундуз юқори унум билан ишлашини таъминлаш, бошқа ҳамма корхоналарнинг қуритиш қувватлари ва агрегатларидан фойдаланиш, пахтани иложи борича офтобда қуритиш керак.

Ҳар бир хўжаликда тўкилган пахтани қайта ишлайдиган марказлашган цехлар тузиш, уларда керакли миқдорда кўсак чувиш машиналарини жамлаш, электр энергия, механизаторлар ва ёрдамчи ишчилар билан таъминлаш зарур. Қисқаси, давлатга пахтанинг ҳаммасини биринчи сортларга топширилиши учун бутун чораларни кўриш керак.

Юқори сифатли пахтани йиғиб-териб олиш, пахта нобудгарчилиги ва сифати бузилишига йўл қўймаслик, пахтадан кўпроқ тола олинишига эришилиши, пахтани қайта ишлаш муддатларини қисқартириш учун пахта трестлари, пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш керак. Улар ўз корхоналарининг намунали ишлашларини таъминлашлари ва бу йилги пахта ҳосилини қайта ишлаш муддатларини камида икки ойга қисқартиришлари, бунда аввало паст сорт пахтани қайта ишлашлари керак.

Пахта терими мавсумининг муваффақиятини, деб таъкидлади докладчи, кўп жиҳатдан партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ташкилотчилик, сиёсий ва идеологик ишлари даражаси белгилаб беради. Бригадаларда, терим-транспорт отрядларида, жалб қилинган коллективлар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдиришнинг таъсирчан чораларини кўриш, мусобақа якунларини ҳар куни чиқариш, эришилган натижалар ошкоралигини кучайтириш, маънавий ва моддий рағбатлантириш формаларини такомиллаштириш, ҳар бир механизатор, теримчи, ҳар бир пахта терадиган машинанинг ишини ҳисобга олиш, одамларга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, ҳамма масалаларни вақтида ҳал этиш, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш уларнинг бурчидир.

Коммунистлар ва комсомол аъзолари пахтазорларда зарбдор ишга бошчилик қилишлари керак. Улар пахтакорларнинг олдинги сафида бориб, энг қийин жойларда шахсий намуналари билан уюшқоқлик ва фидокорлик кўрсатишлари, теримчиларни орқаларидан эргаштиришлари керак.

Пахта конвейерининг пухта, юқори унум билан ишлаши учун агросаноат бирлашмалари, колхоз ва совхозлар, ўз бурч тақозоси ва қалб амри билан пахтакорларга ёрдамга келган барча коллективларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Улар ҳамма вақт пахтазорда, ҳосил тақдирини ҳал қилаётган кишилар орасида бўлишлари, уларга юқори унум билан ишлаш учун энг қулай шароитлар яратиб берилишига эътибор қилишлари, маданий дам олишларини таъминлашлари, дала шийпонларида иссиқ овқат, савдо, маиший ва медицина хизматини уюштиришлари керак.

Бу йилги қишлоқ хўжалиги мавсуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқлари меҳнаткашлари учун масъулиятли синов ҳисобланади. Колхозлар, совхозлар, агросаноат бирлашмалари раҳбарлари, партия, совет органлари барча турдаги деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан топшириқлар сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўришлари керак. Колхозчилар, совхоз ишчиларини иложи борича сафарбар этиб, барча мавжуд ресурсларни йиғим-теримга жалб қилиб, 25 сентябргача давлатга каноп поясини сотиш планини бажариш, 1 октябргача шоли йиғиштириб олиш ва тайёрлашни тугатиш ҳамда сабзавот, узум тайёрлаш планларини, пичан, силос бостириш, ўт уни тайёрлаш топшириқларини бажариш керак.

Барча коммунистлар, ҳамма раҳбарлар шуни ёдда тутишлари керакки, бизнинг областимиз учун тўрт тармоқнинг ҳаммаси — пахта ҳам, ғалла ҳам, мева-сабзавот ҳам, чорвачилик ҳам биринчи даражали муҳимдир. Шу сабабли ҳамма жойда мавжуд резервларни ишга солиш учун ташкилотчилик ишлари даражасини кучайтириш, чорвачиликка эътиборни сира сусайтирмай гўшт, сут ва тухум етиштириб, давлатга сотиш юзасидан область партия комитетининг IX пленумида белгиланган ўсиш суръатларига етиб олиш керак.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, область ва район агросаноат бирлашмалари, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ контроли органлари ишчилар, колхозчилар, мутахассисларнинг меҳнат активлигини янада кучайтиришга жиддий эътибор беришлари, уларни энг юқори ишлаб чиқариш натижаларига етиб олишга сафарбар қилишлари, ҳар бир коллектив, ҳар бир меҳнатчининг олдида турган вазифаларни ҳал этишга конкрет ҳисса қўшишига эришишлари керак.

Матбуот, радио ва телевидение ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш план ва социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилиши учун область меҳнаткашлари ижодий куч-ғайратини сафарбар этишдаги ўз имкониятларидан тўлароқ фойдаланишлари керак. Улар ютуқларимизни ёрқин ва ишончли кўрсатиб беришлари, ватанпарварлик ҳаракатларини актив равишда қўллаб-қувватлаб, ёйишлари, илғорларнинг ютуқларини ҳамманинг мулкига айлантириш учун курашишлари, камчиликларни кескин танқид қилишлари, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида юксак масъулият муҳитини яратиш учун самарали таъсир кўрсатишлари керак.

Биз қишлоқлар, шаҳар ва район марказлари меҳнат коллективларининг ҳамма имкониятларини пахта теримини жадаллаштириш, область бутун агросаноат комплекси вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилиш учун қатъий чоралар кўришимиз керак.

Ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажаришда астойдил меҳнат қилиб, юксак онглилик, интизом ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатсин.

Бу йил область коммунистлари ҳаёти, область партия ташкилоти фаолиятида муҳим босқич ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтмоқда. Ноябрь—декабрь ойларида шаҳарлар ва районларда партия конференциялари ўтади. Бугун биз навбатдаги XXI область партия конференциясини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиламиз.

Бўлажак ҳисобот-сайлов конференцияларини янги меҳнат ютуқлари билан, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳамма участкаларида пухта, аҳил, самарали ишлар билан нишонлаш область коммунистларининг шон-шараф ишидир.

Коммунистлар, областнинг барча меҳнаткашлари, деб таъкидлади сўзининг охирида докладчи, беш йилликнинг учинчи йилини халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида қувончли якунлаш, Ватанга 6 миллион Ўзбекистон пахтасини сотиш юзасидан юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш йўлида куч ва ғайратларини сира аямайдилар, деб КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтиришга рухсат этгайсиз.

* * *

Сўнгра музокаралар бошланди. Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари **З. Т. Махсумов**га сўз берилади.

— Районимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари, — деди у, — терим мавсумини тезроқ тугаллашга қатъий киришганлар. Яқин кунлар ичида барча пахта терадиган машиналарни майдонга тушириш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Асосий эътибор машина теримига қаратилмоқда. «Оққўрғон», С. Сегизбоев номли совхозлар механизаторлари ҳосилнинг асосий қисмини «зангори кема»лар билан териб оладилар. Илғор бригадалар ҳар гектаридан 40—50 центнер ва ундан ошириб пахта териб олиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Оққўрғонликлар октябрнинг биринчи ўн кунлигида пахта планини, 25 октябрга эса социалистик мажбуриятларини бажаришни мўлжалламоқдалар.

Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари **Э. Ҳ. Ҳатамов** районда йиғим-терим ишларини муваффақиятли олиб бориш учун кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди. Район хўжаликлари ҳозиргача 5 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин»ни давлатга сотдилар. Қўл теримида 14 мингдан ортиқ киши ишламоқда. 24 сентябрда дала гвардиячилари — механизаторларнинг ҳаммаси теримга тушади.

10 октябргача давлат хирмонига 64 минг тонна пахта топшириш планлаштирилмоқда. Бу — қийин бўлса ҳам бажариш мумкин бўлган вазифадир. Коммунистлар етакчилигида район меҳнаткашлари теримдаги куч-ғайратларини оширадилар.

Минбарга Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Т. И. Исломов** чиқади.

— КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини бажара бориб, — деди у, — район коммунистлари ва барча меҳнаткашлари терим мавсумини қисқа муддатларда муваффақиятли якунлашга интилмоқдалар. Бугун-эрта 413 та пахта терадиган машиналарнинг ҳаммаси яхши тайёрлаб қўйилган майдонларга чиқади.

Район КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. Чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятлари учун берилган бу юксак мукофот бўкаликларни янги ютуқларга руҳлантирмоқда. Давлатга картошка ва тухум сотиш планлари муддатидан илгари бажарилди. Пахта планини эса октябрнинг биринчи ўн кунлигида бажаришга қарор қилинди.

Ғалаба район ижроия комитетининг раиси **Э. Бойназаров** хўжаликларда олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни таҳлил қилди. Икки-уч кундан сўнг машина терими оммавий бошланиб кетади. Биринчи октябргача 2 та хўжалик, октябрнинг биринчи ўн кунлигида эса қолган хўжаликлар ҳам планни бажаришни кўзлаб турибдилар.

Районда 38 та терим-транспорт отряди ташкил қилинган. Муваққат партия группалари актив иш олиб бормоқда. Ҳамма хўжаликларда пахтакорларнинг юқори унум билан ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Район меҳнаткашлари давлатга пилла, ғалла ва сабзавот сотиш планларини муваффақиятли бажардилар. Район партия ташкилоти гўшт, сут ва бошқа хил чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш суръатларини ошириш учун ҳамма чораларни кўради.

Коммунистик район партия комитетининг биринчи секретари **У. М. Мирзақулов** механизаторларнинг теримга тайёргарлиги тўғрисида, қўл терими қандай ташкил қилинганлиги ҳақида гапириб берди. Район партия комитети ҳузурида матбуот маркази ташкил қилинди. Бундай матбуот марказлари хўжаликлардаги партия комитетлари ҳузурида ҳам ишлаб турипти. «Жанговар варақа»лар ва «Чақмоқ»нинг махсус сонлари чиқарилмоқда.

305 та пахта терадиган машина эрта-индин далаларга чиқади. Уларга 11 та кўчма ремонт устахонаси бириктириб қўйилган.

10 октябргача пахта тайёрлаш плани бажарилади. «Политотдел» колхози коллективи эса топшириқни 15—18 иш кунида бажариш ва 45 центнерлик марраниэгаллаш мажбуриятини олди.

— Районимиз давлатга ғалла, пилла, сабзавот, мева ва картошка сотиш планларини муваффақиятли бажарди, — деди Пискент район партия комитетининг биринчи секретари **У. Я. Баҳодиров**. — Энди асосий вазифамиз пахтани тезроқ, нобуд қилмай, юқори сифат билан териб, давлатга топширишдир.

Шу мақсадда ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлар кучайтирилмоқда. 300 та пахта терадиган машинанинг ҳаммаси далага чиқишга шай бўлиб турипти. 10 октябрда планни, 30 октябрда эса социалистик мажбуриятни бажаришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **У. В. Муслимов** районда теримни қисқа муддатларда тугаллаш учун кўрилаётган чоралар ҳақида гапириб берди. Ҳозир қўл теримида 10 мингдан ортиқ киши қатнашмоқда. 23 дан 26 сентябргача барча пахта терадиган машиналар иш бошлаб юборади. Шунда кунлик ўсиш олти процентни ташкил этади. 12 октябргача планни бажариш мумкин бўлади.

Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари **К. Б. Мамедов** теримни жадаллаштириш тадбирлари ҳақида муфассал тўхталди. Бу районда ҳам 12 октябргача план бажарилади. Ҳосилнинг 80 проценти терим агрегатлари бункеридан тўкилади. Шу кунларда район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир коммунистнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга талабчанлик қилмоқдалар.

Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари **Л. Ш. Алиқулова** терим даврида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. 18 та терим-транспорт отрядида муваққат партия ва комсомол группалари ишламоқда. Механизаторлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Қўл терими суръатлари ҳам кун сайин ортмоқда. Янгийўлликлар 12 октябргача давлатга пахта сотиш планини бажаришга аҳд қилганлар. Ҳосилни бригадалар бўйича қабул қилиб олиш ташкил этилди. Бу пахта сифатига яхши таъсир қилмоқда.

— Пахта тозалаш саноати ходимлари беш йиллик учинчи йили терим мавсумини ҳар томонлама шай ҳолда кутиб олдилар, — деди пахта тайёрлаш ва дастлабки қайта ишлаш область саноат бошқармасининг бошлиғи **Х. Қ. Қосимов**. — Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларида «оқ олтин» карвонларини узлуксиз қабул қилиб олишни таъминлаш, янги ГОСТ талабларига қатъий риоя қилиш, пахта сифатини яхшилашдан манфаатдорликни ошириш муҳимдир.

Бу йил пахтани қайта ишлаш муддатлари ўтган йил мавсумидагидан икки ой қисқартирилади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **В. А. Антонов**нинг Тошкент область навбатдаги XXI партия конференциясини чақириш тўғрисидаги докладини тинглади.

Пленум Тошкент область навбатдаги XXI партия конференциясини 1984 йил 7 январда чақиришга қарор қилди.

Конференциянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланди:

1. Тошкент область партия комитетининг ҳисоботи.

Докладчи — Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов**.

2. Область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

Докладчи — область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг раиси **А. Н. Кудинов**.

3. Тошкент область партия комитети ва область партия ташкилоти ревизия комиссиясини сайлаш.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

---

ХЎЖАЛИК ШАХСИЙ — МАНФААТИ УМУМИЙ

# ҚИШЛОҚ СОВЕТИ БОШ-ҚОШ

Бўка районидаги қишлоқ ва посёлка Советлари Озиқ-овқат программасини бажаришдек шарафли ва умумхалқ ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш мақсадида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Гражданларнинг шахсий хўжаликларини ташкил этиш ва ем-хашак билан таъминлашга катта эътибор берилаяпти. Оилаларнинг эҳтиёжидан ортиқча маҳсулотлар эса харид қилиниб, давлатга топширилаяпти.

Ўтган йили Қўштепа қишлоқ Советида шахсий хўжаликлардан 17 тоннага яқин гўшт, 105 тонна сут қабул қилиб олинган бўлса, 1983 йилнинг етти ярим ойидаёқ бу маррадан ошиб кетилди. Давлатга 18 тоннага яқин гўшт, 105 тоннадан кўп сут топширилди.

Ленинобод қишлоқ Советида ҳам КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари изчил амалга оширилаяпти. Аҳолига қатор қулайликлар яратилмоқда. Чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб давлатга топшириш бўйича шартномалар тузилмоқда. Жойларда жамоатчилик асосида қабул пунктлари ташкил этилган. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган ойлари ичида аҳолидан ортиқча бўлган 16 тонна гўшт, 180 тонна сут қабул қилиб олинди. 1982 йилда эса 14 тонна гўшт, 65 тонна сут харид қилинганди холос. Бу фактлар мазкур қишлоқ Советида ҳам граждáнлар эҳтиёжидан ортиқча чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиб олиш йил сайин яхши йўлга қўйилаётганлигидан далолат бериб турипти.

Б. СОЛИҲОВ.

---

# Турсуной ОХУНОВА



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи Турсуной Охунова узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 21 сентябрда вафот этди.

Ўлим бизнинг сафларимиздан Коммунистик партия ва совет халқининг садоқатли қизини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг истеъдодли ташкилотчисини, «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштиришнинг моҳир устасини олиб кетди.

Турсуной Охунова 1937 йилда Чиноз районидаги Эски Тошкент посёлкасида туғилди. У ўз меҳнат фаолиятини 1951 йилда бошлади. Механизациялаш мактабини битиргач, 1960 йилгача пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси бўлиб ишлади. 1966 йилдан 1972 йилгача трактор-далачилик бригадасига бошчилик қилди, участка мудири бўлди. 1972 йилдан бошлаб пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилди.

Турсуной Охунованинг бутун ҳаёти, меҳнат фаолияти ўзбек хотин-қизларининг социалистик тузум шароитида маънан гуллаб-яшнаганлигига, КПССнинг ленинча миллий сиёсати ҳаётийлигига ёрқин мисолдир.

Унинг меҳнатсеварлиги ва қатъиятлилиги, одамларни ўз ортидан эргаштира билиш маҳорати, ижодий изланиши ва ўзининг касб маҳоратини мунтазам равишда такомиллаштириб бориши у бошлиқ бригадага пахтадан йил сайин юқори ҳосил олиш имконини берди.

Янги пахта териш техникасини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳамда такомиллаштиришдаги катта хизматлари учун у 1967 йилда Ленин мукофоти лауреати унвонига ва «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор» фахрий унвонига сазовор бўлди. Турсуной Охунова «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишни механизациялаштиришни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. У хотин-қизларнинг пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчи ихтисосини эгаллаши юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракати ташаббускори бўлди. Минглаб ёш хотин-қизлар ундан ўрнак олиб, «зангори кема»лар штурвалига ўтирдилар.

Турсуной Охунова партиянинг аграр сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш учун курашдаги фаол иштироки, ишчанлиги, одамларга нисбатан сезгирлиги ва ғамхўрлиги билан республика меҳнаткашларининг, партия ва совет активининг юксак ҳурмат-эътиборини қозонди. У катта партия, давлат ва жамоат ишларини олиб борди.

Турсуной Охунова КПСС-нинг XXV ва XXVI съездларига делегатликка, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Тошкент область партия комитети ва Чиноз район партия комитети аъзолигига, VI, VII, VIII чақириқлар СССР Олий Совети, IX ва X чақириқлар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари бўлди.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати Турсуной Охунованинг хизматларини юксак баҳоладилар. Пахтачиликни ривожлантиришга қўшган жуда катта хизматлари ва пахта етиштиришдаги юксак кўрсаткичлари учун унга икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. У учта Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» ва «Шавкатли меҳнати учун» медаллари билан мукофотланган эди.

Фидокор меҳнатчи, пахтадан юқори ҳосил етиштириш устаси, Коммунистик партия ва совет халқининг садоқатли қизининг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. Р. Рашидов, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, Г. М. Орлов, Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Т. А. Алимов, В. А. Антонов, А. В. Бранлов, М. Қ. Қодиров, Ф. Г. Потуремский, Т. Солиҳов, С. Т. Тошқулов, Ҳ. Т. Умаров, А. М. Хўжаев, Т. З. Орипов, О. З. Зуфаров, Б. С. Камолов, М. М. Маҳмудов, К. Б. Мамедов, С. Шерматов, А. Аюпов, Э. Алиев, А. Рўзматова, В. А. Тюпко.**

---

## Жаҳон янгиликлари

# ВАШИНГТОННИНГ ДУШМАНЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ҲАДДИДАН ОШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. (ТАСС мухбири). Қўшма Штатлар ўзининг халқаро мажбуриятларини андишасизларча, қўпол равишда бузаётганлиги БМТнинг қароргоҳ мамлакат билан алоқа қилувчи комитети бу ерда шошилинч равишда чақирган мажлиснинг диққат марказида турибди.

Вашингтоннинг расмий доиралари советларга қарши жазавани тинимсиз авж олдириб, БМТ тарихида мисли кўрилмаган ҳаракат қилиши натижасида БМТ Бош Ассамблеясининг 38-сессиясига тайинланган СССР делегациясининг бошлиғи — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг Нью-Йоркка келиши мумкин бўлмай қолди.

Комитет мажлисида сўзга чиққан совет вакили И. И. Яковлев бундай деди: СССР делегацияси бошлиғининг хавфсизлигини таъминлашга ва делегация аъзоларининг ишлаши учун нормал шароит яратишга гарантия беришдан бош тортилганлиги, совет махсус самолётининг учиб келиши ва унга хизмат қилинишини тегишли равишда таъминлашдан бош тортилганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси БМТ қароргоҳи тўғрисидаги битимга очиқдан-очиқ зид бўлиб, бу нарса халқаро ташкилотда ғазабланиш ва қоралашга дуч келмаслиги мумкин эмас.

АҚШ вакили Ч. Личенстайн ахлоқсизларча сафсатабозликдан иборат нутқ сўзлади. У Оқ уйнинг БМТ қароргоҳи тўғрисидаги битимни бузганлиги фактини инкор қилишга ожиз бўлганлигидан, фактларни сохталаштириб кўрсатиб, ўзининг андишасизларча ҳаракатлари учун масъулиятни маъмурият зиммасидан соқит қилишга уринди, халқаро миллатлар ҳамжамияти шаънига ҳақоратомуз хуружлар қилишдан ҳам тоймади. Чунончи, у кимда-ким Вашингтоннинг мана шундай ҳаракатларидан норози бўлса, уларнинг ҳаммасига АҚШдан «жўнаб қолиш»ни «маслаҳат» бериб, АҚШ делегацияси «улар Қўшма Штатлар соҳилларидан жўнаб кетаётган пайтда улар билан бажонидил хайрлашиш учун пристанга боради», деган гапни айтди. АҚШ делегацияси шу қадар жазавага берилиб кетдики, натижада маъмурият зудлик билан «изоҳ» беришга мажбур бўлди. Аммо бу изоҳда ҳам БМТ шаънига бўлмағур гаплар яна такрорланди ва Вашингтон халқаро ҳамжамиятдан узр сўраш ниятида эканлигига ҳатто шама ҳам қилинмади.

Рейган маъмурияти БМТ-га аъзо бўлган давлатларнинг ваколатхоналарига қарши душманлик ҳаракатларини авж олдириб юборганлиги бу ерда Бош Ассамблеянинг бошланган сессияси самарали ишлашини барбод қилишга қаратилган кенг миқёсда мувофиқлаштирилган кампаниянинг таркибий қисмларидан бири, деб ҳисобланмоқда.

С. БАЙБАКОВ,
В. ВАСИЛЕЦ.

---

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● СОФИЯ. Попово шаҳридаги пўлат профиллар заводида 400-станини синаб кўриш муваффақиятли равишда тугалланди. Шу станнинг саноатда фойдаланилиши электрокар, автокар ва автобус ишлаб чиқаришида прокатка қилишга бўлган талабни қондиради. Янги стан фан-техника тараққиёти ютуқларини ўрганиш ва практикага жорий этиш программасини бажариш доирасида ишга туширилди. Бу программа ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини ўзлаштиришни, цехларни янги техника билан таъминлашни ҳам кўзда тутади. Буларнинг ҳаммаси яқин вақт ичида маҳсулот таннархини пасайтиради ва унинг сифатини оширади.

● ЛОНДОН. Консерваторлар ҳукумати давлат корхоналари «зарар келтиряпти» деган баҳона билан шу корхоналарни тугатиш сиёсатини амалга ошираётганлиги Британия кончилари гарданига айниқса оғир юк бўлиб тушмоқда. Сўнгги ҳафтанинг ўзидагина мамлакатнинг турли районларида учта кўмир шахтасининг ёпилиши эълон қилинди. Бунинг натижасида шу тармоқ меҳнаткашларидан 1,5 мингдан кўпроқ киши ишдан маҳрум бўлади.

Британия касаба союзлари ғоят пасайтирилган, деб ҳисоблаётган расмий статистикага кўра, ҳозир мамлакатда 3,2 миллионга яқин ишсиз бор.

● БАЙРУТ. Таниқли сиёсий арбоб, мустақил носирчилар ҳаракати («Мурабетун») раҳбари Иброҳим Колейлат АҚШнинг Ливан ички ишларига қўпол равишда аралашаётганлигига қарши қаттиқ норозилик билдирди.

«Кўп миллатли кучлар» деб аталган кучларнинг ўзагини ташкил этувчи Америка пиёда аскарларига ливанликларга қарши қурол ишлатиш мумкинлиги ҳақида Вашингтон берган буйруқни, деб таъкидлади у бу ерда сўзлаган нутқида, агрессия деб ҳисоблаш керак. И. Колейлат Исроил ҳарбийлари бир йил муқаддам фаластинликларнинг Сабра ва Шатила лагерларида уюштирган хунрезлик учун жавобгарлик Қўшма Штатлар зиммасига тушади, деб таъкидлади.

Америка маъмурияти мамлакатимиз ишларига қуролли аралашиш тўғрисида қарор қабул қилиб, Яқин Шарқда янги уруш ёнғинини чиқаришга, Ливанни бошқа араб давлатларига қарши агрессия бошлаш учун плацдармга айлантиришга интилмоқда, деб таъкидлади ливанлик арбоб.

(ТАСС, 20 сентябрь).

